

Шарҳ: Молик ибн Омир розияллоҳу анҳу Абу Атийя куняси билан машҳур бўлганлар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан суҳбатда бўлганлари тўғрисида ихтилофлар бор. Баъзи уламолар у кишини тобеъинлардан, дейишади.

Бу зот ривоят қилган ҳадисларни «Сунан» соҳиблари ўз китобларига киритганлар.

Бу ривоятда бир қавмга меҳмон бўлиб келган киши уларга дарс берадиган даражадаги олим бўлса ҳам, имомликка ўтмагани маъқул эканлиги ҳақида сўз бормоқда.

Чунки унинг имомлиги қай даражада бўлса ҳам бориб-бориб, қавмнинг ўртасида гап-сўз чиқади. Агар яхши бўлса, қавмнинг имомини ёқтирмай юрганлар «Фалончи келиб, бизга имомликка ўтди. Зўр одам экан», деган гап тарқатиб, ўз имомларига ишончсизлик билдирадилар. Натижада ўз имомларининг тарафдорлари билан ораларида гап ўтади.

Агар унинг имомлиги пастроқ савияда бўлса, аксинча бўлади. Шунинг учун ҳар ким ўзини билгани, қавми олдидаги обрўсини сақлагани, бошқаларнинг ишига аралашмагани маъқул.

«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди